# ХАБАР

خبر

*Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри*

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1996 йил, 5 июль № 26 (203) ● Сотувда нархи эркин




**Азиза Жўрабоева узоқ йиллардан буён Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмасининг абонентлар билан ҳисоб-китоб бўлимида меҳнат қилиб келмоқда. Тажрибали оператор Миробод телефон алоқаси тармоғида яқинда ташкил этилган шаҳарлараро сўзлашув бўйича ҳисоб-китоб бўлимида ёшларга ўз касбини меҳр билан ўргатмоқда.**

**Суратказ Т. ЛУТФУЛЛАЕВ**

## ТОҒ ЧЎҚҚИЛАРИДА АЛОҚА ХИЗМАТИ

### Қамчи довонида туриб жаҳон билан алоқа қилинмоқда

Фарғона водийсини Тошкент ва бутун мамлакатимиз билан энг қисқа магистрал йўл орқали боғловчи тоғ оралаб ўтадиган автомобиль йўли қурилиши давом этмоқда. Денгиз сатҳидан қарийб уч минг метр баландликдаги Қамчи довонида алоқачилармиз ҳам радиоалоқа қурилмаларида хизмат қилиб, йўл қурилишини материк билан боғлаб турибди. Бундай алоқа ўрнатилганлигига атиги бир неча кун бўлганига қарамай, Тошкент, Ангрен, Дукент шаҳарлари ва бошқа жойлардаги мижозлар билан алоқа қилинмоқда. Умумий фойдаланиш телекоммуникациясининг ягона тармоғига уланган радиоалоқа қурилиши бошқариш мажмуи билан ажойиб узвийлик касб этмоқда.

— Чўққилар ва даралар бўйлаб ўтган 33 километр масофадаги майдонда мазкур алоқанинг яратилиши ва ишга туширилиши, — деб ҳикоя қилади алоқа ташкилотининг раҳбари Дмитрий Семенович Гольдман, — албатта, осон иш эмас эди. Тоғ рельефи икки нуқта орасида «ўқдек тўғри» алоқа ўрнатиш имконини бермас эди. Бизга қадар бу ишга тажрибали мутахассислар уннаб кўришган, лекин уддалашолмаган. Июнь ойининг дастлабки кунларида энг яхши радистларимиз билан мақбул частотани қидирдик, радиосигналлар ва ўлчов асбоблари ёрдамида тоғ майдонларида қайта-қайта синовлар ўтказдик, юксак вольтли электр узатиш линиялари таъсиридан қутулдик ва «акс этувчи» сигнал деб аталадиган усулни қўллашга жазм қилдик. Шу тариқа оптимал майдонлар ва йўналишларни аниқлаштирдик, радиостанцияларни ишга шайладик ва тўғри алоқа ўрнатишга эришдик. Мазкур радиостанция Қамчи довонини Дукент билан боғлади, у орқали Ангрен билан боғландик. Бу ерда эса нафақат Тошкент шаҳридаги, балки исталган жойдаги мижоз билан радиотелефон алоқаси ўрнатиш имкони юзага келди. Мутахассислар П. С. Скляревский, Ҳ. Ниёзов, А. Пим, Н. Прокудин, ишчилар Т. Қодиров, А. Шарипов, Н. Болышов, У. Раҳматов, Р. Массагуров, Қ. Совриев ва бошқалар мазкур радиоалоқани ўрнатишда сидқидилдан меҳнат қилдилар. Улар қарийб ўн кун мобайнида алоқа йўналишини очдилар, синовлар ўтказдилар, сунъий тўсиқларни бартараф қилдилар, жадал алоқа ўрнатиш ечимини топдилар.

Энди тоғда ўн киши одатдаги навбатчилик билан машғул: беш киши Қамчи довонида, беш киши — Дукент шаҳарчасида. Улар радиостанциянинг мўътадил ишлашини таъминлаб, тегишли алоқа ўрнатишга хизмат қилмоқдалар.

Мазкур алоқа линияси ишга туширилиши шарофати билан қурилишдаги ишлар анча жонланди. Айниқса ишчиларнинг оила аъзолари билан бемалол гаплашиши чинакам инсоний қувончга айланиб қолди. Ҳозирги ўрнатилган радиоалоқа вақтинчалик ечим, холос. Алоқа вазирлиги мазкур магистрал трасса бўйлаб доимий алоқа ўрнатиш лойиҳасини ишлаб чиқмоқда. Ангрендаги тоғ чўққилари орқали минглаб янги алоқа каналлари радиорелели линиялар бўйича ташкил этилиб, шиша толали кабель ётқизиш мўлжалланмоқда.

— Алло! Қамчини чақираман!

Кўп ўтмай бу хитобга мазкур довонда бўлажак радиорелели ва кабель алоқаси станцияларида доимий равишда ишлайдиган алоқачилар жавоб қайтардилар. Биринчи бўлиб йўл очганларнинг номлари тарих саҳифаларида ҳамиша сақланиб қолади.

**А. КУДИНОВ**

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

● Янгиликлар ● Воқеалар ● Хабарлар

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэмин давлат ташрифи билан республикамизда бўлди.**

● Самарқандда қимматли қоғозлар билан ишлашни такомиллаштириш, ҳиссадорлик жамиятлари ва ҳиссадор ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган минтақавий семинар ўтказилди.

● **Марғилонда халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар маркази республика мустақиллигининг беш йиллиги ва соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Алла» ижрочилари учинчи анъанавий республика кўрик-танловини ўтказди.**

● Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетида атоқли ўзбек адиби Абдурауф Фитрат таваллудининг 110 йиллигига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди.

● **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобиль назорати бошқармаси ташкил этилганига 60 йил тўлди.**

● Украина парламенти ўзининг янги Конституциясини қабул қилди.

● **Брунейнинг Лондондаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси билан Бруней-Даруссалом ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш ҳақида қўшма баёнот имзоланди.**

● Монголия парламентида Буюк давлат хуралига сайловлар бўлиб ўтди. 76 депутат ўрнига турли сиёсий партиялардан 303 номзод кураш олиб борди.

● **Европа комиссиясининг раиси Жан Сантер бу қитъа ҳамжамияти АҚШнинг Кубага қарши иқтисодий жазо чораларига салбий муносабатда эканлиги тўғрисида баёнот берди.**

● Франция Президенти Жак Ширак Лион шаҳрида Ғарбнинг тараққий этган етти мамлакати раҳбарларининг Россия Бош вазири Виктор Черномирдин ҳам иштирок этган учрашувидан сўнг келгусида бу учрашувларга Бразилия билан Ҳиндистон раҳбарларини ҳам таклиф этиш мўлжалланаётганлиги тўғрисида баёнот берди.

● **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига кўра ҳозир жаҳонда гиёҳвандлар сотишдан 400-500 миллиард доллар даромад олинаётган экан. Бу жаҳон савдоси даромадларининг 13 фоизига тенгдир.**

## БОЛАЛАР ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШМОҚДА

Яқинда Андижон вилоятининг баҳаво, кўркам жойларидан бирида жойлашган алоқачилар «Дўстлик» болалар оромгоҳи юз элликдан зиёд болаларни ўз кучоғига олди. Оромгоҳнинг аввалги йиллардаги фаолияти билан таниш бўлган алоқачиларнинг фарзандлари бу гал бошқа касб эгаларининг 50 нафар фарзандлари билан биргаликда ҳордиқ чиқарадилар.

Мазкур оромгоҳнинг очилиш маросимида алоқа ходимлари касаба уюшмалари вилоят қўмитасининг вакили О. Куликова, Андижон шаҳар электралоқа боғламасининг молия-режа бўлимининг бошлиғи Г. Нуриддинова, оромгоҳ раҳбари Г. Межлумовалар иштирок этишди. Оромгоҳда дам олиш мавсумининг биринчи навбати очилишида болалар катта концерт дастурини намойиш қилдилар, миллий ва европача оҳангдаги куй ва қўшиқлар ижро этдилар.

**Р. УЗОҚОВ,**
**Андижон вилояти**

● *Муштарий таклифи*

## ҲАММАГА ҚУЛАЙ БЎЛАРДИ

Маълумки, ҳар бир матбуот нашрининг ўз мухлиси-ихлосманди бор. Илгари газета дўконларида саноқли нашрлар сотилгани учун ҳамма газета-журналлар муштарий кўз олдида яққол кўриниб турарди. Ҳозир эса ундай эмас. Дўконлардаги газета,. журналлар кўплигидан қалашиб кетган. Улар орасидан кераклисини қидириб топиш ҳам қийин. Қидиргани кўзга ташланавермагач, сотувчидан сўрашга эринган муштарий харид қилмай кетавериши ҳам мумкин. Ана шу мушкулотни бартараф этиш, муштарий ва сотувчига қулайлик яратиш мақсадида шундай таклиф қилмоқчиман:

Дўконнинг кўзга кўринарли жойига «Бугун сотувда» деган сарлавҳа остида шу куни сотиладиган нашрлар рўйхатини осиб қўйиш керак. Ҳар бир нашр номи лозим бўлганда олиб қўйилиб, ўрни алмаштириладиган тарзда алоҳида, қалинроқ қоғозга ёзилгани маъқул, албатта.

Шунингдек, ушбу таклифни янги чиққан китоблар учун ҳам қўллаш мумкин деб ўйлайман.

**Ш. ЭРГАШ ўғли**

# ЁМОН ИШЛАШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

Бухоро ўзининг миллий обидалари ва муқаддас қадамжолари билан дунё халқларини ҳайратда қолдириб келаётган Шарқнинг гўзал шаҳарларидан бири. Бу шаҳарга ҳар куни минглаб сайёҳлар ташриф буюришади. Бунинг учун Бухорода жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган алоқа тизими зарур. Вилоят давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасида амалга оширилаётган ишлар билан қизиқдик.

Вилоятда алоқа соҳасида-ги барча ишлар ҳукуматимизнинг 2010 йилгача телекоммуникация соҳасини ривожлантириш тўғрисидаги Миллий дастури асосида ташкил этилган. Бухоро шаҳрidаги 3, 4, 5-телефон станцияларини замонавий рақамли АТСларга алмаштириш ишлари жадал давом этмоқда.

Жанубий Кореянинг «ДЭУ телеком» фирмаси билан тузилган шартномага кўра алоқа жиҳозлари келтирилмоқда, бу жиҳозларни ўрнатиш учун хоналар тўла таъмирлаб қўйилди. Корхона жамоаси ушбу ишларни республикамиз мустақиллигининг беш йиллиги байрами арафасида амалга оширишни мўлжаллашмоқда.

Корхонада 1517 нафар ходим хизмат қилади. Ходимларнинг ўртача ойлик маоши 1400-1500 сўмни ташкил этади. Бу кўрсаткич бошқа вилоятлар алоқа корхоналари ходимлари маошидан камроқ. Шунга қарамай корхона жамоаси астойдил меҳнат қилишмоқда.

Ўтган йили вилоятда уяли алоқа линияси ишга туширилган эди. Бу алоқа турининг жорий этилиши кўп муаммоларни ечишга ёрдам беряпти.

Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги байрамига кенг миқёсда тайёргарлик кўрилмоқда. Ушбу санага бағишлаб шаҳарда бир қатор ишларни бажариш режалаштирилган. Жумладан, Бухоро шаҳар архитектураси лойиҳаси асосида Алоқа уйи қайта таъмирланаяпти. Ҳозирги вақтда шаҳар марказида шаҳарлараро ва халқаро сўзлашув телефон станцияси ишлаб турибди. У ерда абонент тўловларини қабул қилиш компьютерлаштирилган бўлиб, улар марказий компьютер орқали бошқариб борилади. Ушбу станцияда бир кунда ўртача 15 минг маротаба сўзлашув амалга оширилади. Шунингдек, шошилинчномаларни ҳам замонавий аппаратларда жўнатиш йўлга қўйилган. Шаҳар радио тармоқлари ҳам катта кучланишдаги ускуналар билан жиҳозланган.

Маълумки, ҳозирги кунда ходимлар масаласи кескин муаммо бўлиб турибди. Чунки асосий масалани мутахассислар ҳал қилади. Яқинда Алоқа вазирлиги томонидан ўтказилган аттестация натижалари Бухоро вилоятида бу муаммо тўғри ҳал қилинганлигини кўрсатди. Вилоят туманларида бошқаларга ўрнак кўрсатиб меҳнат қилаётганлар анчагина. Шулардан Қоракўл туман электралоқа боғламаси муҳандиси О. Бобомуродов, Шофиркон туман электралоқа боғламаси муҳандиси М. Жумаевлар ўз ишининг устаси сифатида яхши ном қозонишган.

Келгусида вилоят бўйича 50 минг рақамли телефон станцияларини замонавий станцияларга алмаштириш кўзда тутилган. Бундай улкан ишларни маҳаллий шароитда амалга ошириш қийин, албатта. Бунинг учун хорижий мамлакатлар билан шартномалар тузиляпти. Япониянинг кўпгина фирмалари ўз лойиҳаларини таклиф қилишяпти. Ҳозир эса лойиҳалар ўрганиб чиқилмоқда. Жорий йил охирларида хорижий фирмаларнинг тендери ( танлови) эълон қилинади. Ўшанда ғолиб чиққан фирманинг дастури бўйича юқорида тилга олинган ишлар ниҳоясига етказилади. Шундан сўнг кўпгина қийинчиликлар бартараф этилиб, туманлараро сўзлашувлар яхшиланиши назарда тутилган.

Шарқни Ғарб билан боғлайдиган Транс-Осиё-Европа шиша толали кабель алоқа магистрали республикамиз ҳудудининг кўп жойларини кесиб ўтади. Ушбу магистрал қурилишига бухоролик алоқачилар ҳам ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. ТОЕ магистрал қурилиши кесиб ўтадиган вилоят ҳудудида ўз ишчи кучлари билан қурилишни олиб боришяпти. Магистрал қурилишида Бухоро механизациялашган кўчма жамланмаси қурувчилари жонбозлик кўрсатишмоқда.

Бухорода ўз ишининг усталари, умрини алоқа соҳасига бахшида этган кўплаб инсонлар бор. Шундай инсонлардан бири вилоят электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғининг ўринбосари Аҳмад ака Муҳаммедовдир. Аҳмад аканинг алоқа соҳасида ишлаётганига қирқ йилга яқинлашиб қолди. У корхонада узоқ меҳнат қилган, кўпгина шогирдлар етиштирган инсонлардан бири ҳисобланади. Аҳмад ака бизга узоқ йиллар тўпланган тажрибалар, нс-нс машаққатлар билан бунёд этилган иншоотлар ҳақида тўлқинланиб, батафсил сўзлаб берди.

Бухорони бежиз иккинчи Макка дейишмас экан. Мақбараларни ҳайратланиб томоша қилар эканман, нимадир мени кузатаётгандек бўлди. Мен бу ерда Бухоронинг муқаддас жойларидан паноҳ топган азиз-авлиёларнинг муборак руҳларини ҳар қадамда ҳис этиб турдим. Бухоролик алоқачилар узоқ ўтмишимиздан ёдгорлик бўлиб қолган тарихий обидалар биз учун ҳар доим азиз, мўътабар эканлигини дилдан чуқур ҳис этган ҳолда меҳнат қилишмоқда. Вилоятдаги алоқа раҳбарларидан бири «Бизнинг ёмон ишлашга ҳаққимиз йўқ» дея ҳақ гапни айтди.

Вилоятда ишлаб турган ва ишга туширилиши лозим бўлган барча иншоотларни ўз кўзим билан кўриб, шунга амин бўлдимки, иш яхши йўлга қўйилган жойда тартиб, интизом ва барака бўларкан. Буни корхонада амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам билиб олиш мумкин.

**Иззат АҲМЕДОВ,**
**«Хабар»нинг махсус мухбири**

# БИЗНИНГ БУГУНГИ ЎРНИМИЗ

Республикамизда бозор муносабатларига ўтилмасдан олдин матбуот тарқатиш бўлимимизга газета ва журналлар ўров-ўров келарди. Сараловчиларимиз уларни ажратиб почта бўлимларига жўнатиш учун зўрға улгуришар эди. Ўз навбатида почтачилар сумкаларини тўлдириб шаҳар ва қишлоқ кезганда одамлар оқимига яралиб турарди. Айниқса уларнинг севимли газета ва журнали янги сонини муштоқ бўлиб кутаётган обуначи ёки аскар ўғлидан биринчи хатни олган она билан учрашувлари қаяжонли эди...

Бугун-чи? Ростини айтганда, бугунги кунда обуначилар бармоқ билан санарли бўлиб қолди. Хатлар яккам-дуккам келмоқда ва жўнатилмоқда. Бунинг сабаблари кўп. Матбуот нашрлари баҳоси ошиб кетди. Бу ҳол ўз-ўзидан обуначилар сонини камайтирди. Ана шундай бир чоғда почта ходимларимиз зиммасига ғоят масъулиятли вазифалар юкланди. Улар энди почта сумкасига матбуот нашрлари ва хатлар билан бирга нафақа пулларини солиб ҳам юрадиган бўлиб қолишди. Бугун қайси почта бўлимимизга борманг, одамларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўтирганини кўрасиз. Туманимиз ижтимоий сугурта жамғармасининг мустақкам эмаслиги нафақачиларни шу куйга солиб қўйган. Аммо буни пул кутиб ётган кишиларнинг ҳаммаси ҳам етарли англаб етишмаётир. Натижада нафақаларнинг кечикиб олаётганлиги сабабини почтачиларда деб биладилар. Ваҳоланки, бизнинг вазифамиз «Пахтабанк» томонидан берилган пулни нафақачиларга етказиб беришдан иборатдир.

Ҳозир туманимиз бўйича қарийб 11 минг нафар кищи нафақа олади, ўттиздан зиёд ходимимиз уларга хизмат кўрсатмоқда.

Жамоамиз йиғилишларида почта хизмати одоби ҳақида ҳам доим суҳбатлашиб борямиз. Шунинг учун ходимларимиз устидан шикоят қилиш ҳоллари учрамаяпти. Почтачиларимиз ҳар бир мижоз билан дилдан гаплашиш ва инсоний мулозамат кўрсатиш ҳаракатида бўлишмоқда. Айниқса, нафақа пулини ўз вақтида ололмаётган фахрийлар кўнглини олишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Бир сўз билан айтганда бозор иқтисоди шароитида турли касб эгалари қатори биз почта ходимлари ҳам ҳар томонлама тобланмоқдамиз. Энг муҳими мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашдек ишда иштирок этаётганимиз барчамиз учун катта савобдир.

**Тўлқин ХАЛИЛОВ,**
**Шўрчи тумани почта боғламаси бошлиғининг ўринбосари,**
**Сурхондарё вилояти.**

• *Муштарий таклифи*

# АЛОҚА ДЎКОНИ ОЧМОҚЧИМАН...

Хабар» газетасининг 1994 йил 30 июль сонида Тошкент шаҳрида ихтисослаштирилган «Алоқа» дўконининг очилганлиги, бу дўкон турли корхоналарда ишлаб чиқарилаётган алоқа асбоб-ускуналари, ҳар хил уй-рўзғор жиҳозлари, бўёқлар билан савдо қилаётганлиги ҳақида ёзилганди. Бизнинг Деҳқонобод туманимизда алоқа асбоб-ускуналари билан савдо қиладиган дўкон йўқ. Туманимиз аҳолиси эса ана шу нарсаларни узоқ шаҳарлардан олиб келишга мажбур бўлганлигини кўп бор кузатганман. Демак, ҳеч бўлмаганда вилоят марказларида «Алоқа» дўконининг шохобчаларини очсак, халқ ортиқча оворагарчилигу сарсонликдан халос бўларди.

Мен 1995 йили Тошкент электротехника Алоқа институтини битирдим. Соҳам бўйича иш излаб анча югурдим. Бироқ нафи бўлмади. Очиғи, югуриш жонга тегди. Халқимизда «Ўзинг учун ўл етим» деган мақол бор. Шу боис Деҳқонобод тумани маркази ёки Қарши шаҳрида «Алоқа» дўконининг шахобчасини очишни ният қилдим. Бу таклифимнинг амалга ошишида Деҳқонобод тумани ҳокими Обид Ҳамроев ҳамда бошқа мутасаддилар ёрдам беришса кўнглим тоғдек кўтариларди. Мен ҳам иш билан машғул бўлиб, азалий орзуим — алоқа соҳаси равнақига баҳоли қудрат ўз ҳиссамни қўшар эдим.

**Баҳодир ТОШБОЕВ,**
**Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани «Бошчорбоғ» жамоа ширкат хўжалиги, Турк маҳалласи**

# ЯНГИ ПОЧТА МАРКАЛАРИ

Бу йил Олимпиада ўйинлари ташкил этилганлигига 100 йил тўлади. Маълумки, XXVI юбилей Олимпиада ўйинлари Америкининг Атланта шаҳрида ўтказилади.

«Ўзбекистон маркаси» нашриёт маркази ушбу санага бағишлаб «Олимпиада-96» почта маркалари тўпламини нашрдан чиқарди.

Ёзги олимпиада ўйинларида илк бор республикамиздан спортчилар иштирок этади. Янги почта маркалари ушбу санага бағишланган бўлиб, 4 маркадан иборат. Уларда футбол,от ўйини, бокс ва велопойга каби спорт турларининг тасвири акс эттирилган. Янги почта маркалари суратларини мусаввир Ю. Левинский ишлаган.

**ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ 1996-1997 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ТАЛАБАЛИККА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Институт қуйидаги ихтисосликлар бўйича олий маълумотли алоқа мутахассислари тайёрлайди:

— *радиоалоқа, радиоэшиттириш, телевидение;*
— *телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари;*
— *телекоммуникация узатиш тизимлари;*
— *менежмент.*

Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение факультети радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение воситаларидан фойдаланиш бўйича муҳандис ҳамда бакалаврлар, телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари факультети телематика ва ахборот узатиш тизимларини, ҳудудий ҳамда минтақавий ҳисоблаш тармоқларига интеграл хизмат кўрсатувчи рақамли терминал тизимларни, аналог ва рақамли коммутация ҳамда телекоммуникация тармоқларини техник эксплуатация қилиш бўйича электралоқа бакалаврлари, муҳандислари тайёрлайди,

Телекоммуникация узатиш тизимлари факультети оптика толали, йўналтирилган радио ва кабелли алоқа линиялар бўйича бакалаврлар ва муҳандислар тайёрлайди.

Муҳандис-иқтисод факультети алоқа корхоналарида ишлаш учун «Менежмент» мутахассислиги бўйича бакалаврлар ва муҳандислар тайёрлайди.

Институтнинг кундузги ва сиртқи бўлимларида ўқиш ўзбек ҳамда рус тилларида олиб борилади.

Олий ўқув юртига талабалар қабул қилиш конкурс натижалари ва Давлат идораларо комиссияси томонидан режадаги ўринларга мувофиқ тест синовларида абитуриентлар тўплаган баллар асосида ўтказилади.


Абитуриентларнинг ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги аризалари институт қабул комиссияси томонидан 21 июндан 20 июлгача қабул қилинади.

Абитуриентлар ўқишга киришда қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

— ариза; ўрта ёки махсус маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси; № 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома; 3х4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат

**МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700084 Тошкент, Амир Темур кўчаси, 108-уй, тел: 35-77-75, 35-97-51.**

**«Алоқабанк» маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси банк ходими Рихсихон Избосаровага турмуш ўртоғи Юсуфжон ИЗБОСАРОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.**



# АЛОҚАЧИ ҲАМРОҲИ

## РАДИОАЛОҚА, РАДИОЭШИТТИРИШ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ КОРХОНАЛАРИДА АҲВОЛ ҚАНДАЙ?

Сир эмаски, бозор иқтисодиёти алоқа корхоналарининг ишга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирди.

Исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат шуки, алоқа корхоналарида бошқа соҳалардаги каби ишсизлик йўқ, аммо радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидениеда аҳвол талаб даражасида деб бўлмайди.

Биринчидан, Республика радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмасининг техника асбоблари ҳам маънавий, ҳам тубдан эскирган. Мавжуд радиоузатгичларнинг қарийб 80 фоизи иш ресурсини бажариб бўлган. Иккинчидан, 1992 йилдан бошлаб фойдаланилаётган радиоузатгичларнинг эҳтиёт қисмлари «ноёб» нарсаларга айланиб қолди ва асосан четдан келтирилади.

Бундан ташқари, электр қуввати учун тўлов баҳосининг кетма-кет ўсиши бирлашмани оғир иқтисодий шароитларга одиб келди.

Шунга қарамасдан бирлашма ходимлари бор имкониятларни ишга солиб, радиоалоқа ва радиоэшиттириш қурилмаларини узлуксиз таъминлаяптилар.

Иккинчи муаммо — мутахассислар масаласи. Бахтимизга Марказий Осиё ҳудудидаги ягона Тошкент электротехника Алоқа институти Тошкентда жойлашган. Афсуски кейинги йилларда радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение факультетига талабалар қабул қилиш асоссиз равишда камайтирилди.

Маълумки, ҳозирги замон алоқа техникаси мутахассислардан кенг ҳамровли билимларни ва замонавий алоқа технологияларини билишни талаб қилади.

Яна бир муаммо — мутахассисларимизнинг билим даражаси талаб даражасидан анча пастлигидир. Мақтаниш бўлмасин-ку, яқин йилларга қадар Алоқа институти (кўпчилигимиз шу институтнинг талабалари бўлганмиз) энг юқори савияли мутахассислар тайёрлар эди. Ҳозирчи? Замонавий алоқа воситалари билан жиҳозланмаган институт қандай қилиб юқори малакали мутахассислар тайёрласин?

Шу ўринда Тошкентдаги алоқа корхоналарининг Алоқа институти кафедралари билан ҳамкорлигини қутлуғ қадам деб таъкидлаш лозим. Албатта, бу ҳамкорлик маълум вақт ўтиши билан ижобий натижалар беради деган умиддамиз. Шу ўринда ҳамкорликни фақат иқтисодий маблағ ўтказиш билан чегараламаслик, балки институт зиёлилари алоқа корхоналарида, корхона бошлиқлари эса институтда кўпроқ бўлишлари ва фикр алмашишлари керак деб ҳисоблайман.

Май ойида Вазирликнинг радиоалоқа мутахассислари аттестация қилинди. Мақсад — радиоалоқа соҳасидаги раҳбар ходимлар савиясини ва корхоналардаги ходимлар масаласини таҳлил қилиш эди.

Аттестация натижалари хотиржам бўлишга асос бўла олмайди, балки айрим корхоналар бўйича тезлик билан ташкилий чоралар кўрилиши лозимлигини кўрсатади. Баъзи раҳбарлар аттестациядан шартли равишда ўтдилар.

Электромагнит мослашув маркази (ЭММ)нинг вилоят бўлинмаларидаги аҳвол ҳам техник, ҳам мутахассислар масаласида ночор аҳволда. Марказ назоратчилари радиобезориларни ёки қонунсиз ишлаётган радиоузаткичларни аниқлашда етарли асбоб-ускуналарга эга эмаслар.

Ваҳоланки Республикамиз ҳудудида радиоалоқа воситалари (уяли алоқа ва пейжер) жуда кенг ривожлана бошлади, «эфирни» назорат қилиш энг долзарб масалаларга айланди. Шунга қарамасдан, ЭММда техника жиҳозларини замонавий турларига алмаштириш ва бошқариш усулларини тубдан ўзгартиришга етарли эътибор берилмаяпти.

ЭММнинг вилоят бўлинмаларидаги мутахассисларнинг 65 фоизи алоқачилар эмас, 3 нафар раҳбар аттестациядан шартли равишда ўтди. Ҳолбуки ЭММнинг вилоят бўлинмаларига етук мутахассисларни жалб қилиш мумкин эди.

Инсоф билан айтганда мутахассисларга катта (нисбатан албатта) маош бериш яхши, лекин бу билан корхонанинг иқтисодий аҳволига путур етказмаслик керак.


Республика радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмаси (РРР ва ТИЧБ) ходимларининг аттестация натижалари нисбатан яхшироқ бўлсада, бу ерда ҳам муаммолар етарли. Кўпгина радиотелевизион узатиш маркази (РТУМ) бошлиқлари ва бош муҳандислари техника журналларидан «Радио», «Вестник связи»дан бошқасини билмайдилар. Бу журналларга ҳам ҳамма РТУМлар ёзилмаган, ваҳоланки радиотелевизион узаткичларга бағишланган кўпгина махсус журналлар бор. Буларга обуна бўлиш фойдадан холи эмас. Чунки янги йўналишлар, технологиялар, техникаларни ўрганиш ва техник ходимлар савиясини юқорида қайд этилган журналларсиз ошириб бўлмайди. Ва ниҳоят, техник журналлар шак-шубҳасиз муҳандисларнинг фикрлаш доирасини кенгайтиради.

РРР ва ТИЧБнинг вилоят бўлинмаларида ходимлар масаласини ҳал қилиш учун бирлашма раҳбарияти Алоқа институтининг радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение факультети билан ҳамкорликда маҳаллий мутахассисларни жалб қилиш ва уларни рағбатлантириш бўйича илк ишларни амалга оширяпти. Умид қиламизки, яқин кунларда бу ишлар ўз натижасини беради.

Жорий 1996 йилнинг 7 майида Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиётида телевидение ва радионинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди, ушбу Фармон асосида Алоқа вазирлигида радиоэшиттириш ва телевидениени ривожлантириш давлат дастури устида иш олиб бориляпти.

Шак-шубҳасиз бу Фармон радиоалоқа ва телевидение соҳасида тубдан катта ўзгаришлар қилиш учун асос бўлади деб умид қиламиз.

М. ОТАМУҲАМЕДОВ,
Вазирликнинг радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение корхоналарини бошқариш ва фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи, техника фанлари номзоди, доцент



**Вадим Мунирович Жиганшин Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги АТСлар ва узатиш тизимларини ишлатиш билан шуғулланади.**

**Темир йўл муҳандислари институтининг автоматика, телемеханика ва алоқа факультетини тугатган бу йигит алоқа соҳасини танлаганидан хурсанд.**

**СУРАТДА: В. Жиганшин станцияларараро алоқани таъминловчи жиҳозлар ишини кўздан кечирмоқда.**

**Суратказ Т. ЛУТФУЛЛАЕВ**

## ЎҚУВ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини 2010 йилгача ривожлантириш ва тараққий эттириш Миллий дастури» да алоқа соҳаси мутахассисларини тайёрлаш каби муҳим вазифаларга катта эътибор берилган. Дастурга мувофиқ Тошкент электротехника Алоқа институтида электраалоқа муҳандислари тайёрлаш сифатини ошириш борасида илғор алоқа корхоналари билан биргаликда ўқув жараёнларини такомиллаштириш йўлида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Институтнинг Телекоммуникация узатиш тизимлари факультети ва ҳудди шу ном билан аталувчи кафедра ўқитувчиларининг ташаббуси билан Тошкент шаҳарлараро телефон-телеграф станциясида «Бошланғич алоқа тармоғидан техникавий жиҳатдан фойдаланиш» мавзуида махсус ўқув машғулотлари ўтказилди. Бу тадбирнинг муваффақиятли ўтишида мазкур корхона бошлиғи М. Зоҳидов, бош муҳандис А. Войцеховский ва корхонанинг бошқа етакчи мутахассислари кўмаклашишди. Бошланғич алоқа тармоғида техникавий жиҳатдан фойдаланишнинг энг замонавий усуллари билан институтнинг битирувчи толиблари амалиётда яқиндан танишдилар. Шунингдек, талабалар корхонадаги замонавий алоқа жиҳозларини кўздан кечиришди, бу кузатувлар ўз навбатида институтнинг мураббийлари учун ҳам фойдали бўлди.

Ушбу машғулотлар сўнгида ўтказилган суҳбатлар, синов ва имтиҳонлар натижасида талабаларнинг бошланғич алоқа тармоқлари тўғрисидаги билимлари ўтган йилларга нисбатан бирмунча ошганлиги кузатилди. Шу билан бирга кўплаб талабаларнинг телекоммуникация тармоқлари замонавий техникаларини ўрганишга бўлган қизиқишлари ортган. Шу боис ҳам телекоммуникация узатиш тизимлари факультети ва кафедраси жамоаси бундай машғулотларни илғор алоқа корхоналарида тез-тез ўтказиб, ўқув жараёнларини ривожлантириб боришни режалаштирмоқда.

**В. СМОРШЕВСКИЙ,**
**«Телекоммуникация узатиш тизимлари» факультети декани,**
**И. БЕРГАНОВ,**
**«Телекоммуникация узатиш тизимлари» кафедрасининг мудири**

## АТСДАГИ АХБОРОТЛАРНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ТИЗИМ

«Сименс» фирмаси корхона ва ташкилотлар учун мўлжалланган АТСларнинг одатдаги комплектига LeeMah Datacom Security корпорациясининг телефондаги товламачилардан сақлайдиган ва ахборотларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган TragNet 2002-SR тизимини ҳам қўшадиган бўлди.

Бу тизим «Сименс» фирмасининг барча АТСлари билан ишлайди ва 128 тагача телефон линиясини муҳофаза эта олади. АТС хизматидан фойдаланиш учун абонент шахсий рақами ва пароли кодини киритиши лозим.

# ЕВРОПА АЛОҚА БОЗОРИ: ЭРКИНЛАШИШИГАЧА ИККИ ЙИЛ

Бугун Ғарбий Европа бозорида тарифларнинг пастга тушишини (баъзи ҳолларда 40 фоиздан кўпроқ) ўз таъсир доирасини кенгайтиришни хоҳловчи якка ҳокимлараро рақобатнинг кескинлашиши, дастлаб қараганда жозибали кўринган, лекин катта харажатлар талаб қилувчи бозор майдонларида янги иш бажарувчиларнинг пайдо бўлиши деб таърифлаш мумкин.

Голландия A&R фирмасининг фикрича, бунинг асосий сабаби кўчма алоқа воситалари аҳамиятининг ўсиши ва фойдаланувчиларнинг тарифларни пасайтириш борасидаги талабларининг ортиб боришига қарамай, якка ҳокимларнинг улкан таъсиридир.

Бундай вазият A&R тахминларига қараганда бозорнинг умумий аҳволига таъсир кўрсатмайди, чунки унинг ҳажми 1995 йилда 173,6 млрд АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 1998 йилга бориб 204,3 млрд АҚШ долларига етади.

Фойдаланувчилар янги технология ва жиҳозларга камроқ, бевосита алоқа хизматига эса кўпроқ эътибор беришлари боис алоқа воситаларининг баъзи турларини етказиб берувчиларнинг маҳсулотни сотиш ҳажми камайгани ҳолда, хизмат кўрсатувчи компанияларнинг истиқболлари қувончлироқдир.

Хизмат кўрсатишнинг жаҳон бозори 1995 йилдаги 149 млрд АҚШ долларидан 1998 йилга келиб 180,2 млрдга етади, алоқа жиҳозлари бозори эса аксинча 24,6 дан 24,1 млрд долларга тушади. Энг катта ўсиш (66,8 фоизга) хизмат кўрсатишнинг кўчма алоқа воситалари соҳасида бўлади ва бу ҳол кабель ишлаб чиқариш саноати ҳажмининг (18,5 фоизга) камайишига олиб келади.

Кўчма алоқа тармоқлари ниҳоятда тез ривожланмоқда. 1998 йилга келиб бу тармоқнинг энг кам ўсиши Буюк Британияда 36,5 фоизга, Испанияда 200 фоиз деб тахмин қилинмоқда. Ва бу «ҳақиқий шиддат билан ривожланаётган бозор» бўлиши учун Франция, Испания ва Италия каби давлатлар уяли алоқа тармоқлари тарифларини анчагина қисқартиришлари керак бўлади.

## ХУШ КЕЛИБСИЗ ЁКИ БЕГОНАЛАРГА КИРИШ МУМКИН ЭМАС

Гарчи турли мамлакатларда алоқа бозорининг ўсиши турлича бўлиши кутилаётган бўлсада — Францияда 12,5 фоиз, Италияда 23 фоизгача —умуман у янги сармоядорлар ва иш бажарувчиларнинг эътиборини тортмоқда. Бироқ ҳамма нарса ҳам шундайгина осон эмас. A&R Европанинг барча мамлакатларида тартибга солувчи органлар билан иш бажарувчилар орасида кўпгина ҳолларда фақат қоғозларда бўлсада, аллақачонлар ажралиш мавжуд деб ҳисоблайди. Ва ҳукумат ўз мамлакати алоқа тармоқларини рақобатчилар сонини чегаралаш (одатда битта муқобил иш бажарувчига рухсат берилади) ёки хусусийлашган компанияларнинг барча ёки қисман акцияларига эгалик қилиш орқали назорат қилиб туради.

Одатда тартибга солувчи органлар рақобатга қарши эканликларини очиқдан-очиқ баён қилмайдилар, лекин якка ҳокимларга нисбатан катта бож солиш сиёсатини олиб борадилар. Масалан, янги лицензия беришни 4-5 йил муҳокама қилиш шу вақтгача нормал ҳол деб ҳисоблаб келинади.

Сабаби умуман тушунарли — пул. Масалан, 1989 йилдан 1994 йилгача France Telecom обороти 30,4 фоизга ўсган бўлса (Европадаги энг қамтарона рақамлардан бири), Мегспу ники эса 237,5 фоиз бўлди. Улардан биронтасининг янги рақобатчи пайдо бўлишига хурсанд бўлиши ғалати бўлган бўларди.

Бугунги кунда Буюк Британия, Швеция ва Финляндия Европа мамлакатлари орасида энг эркинлашганларидандир, чунки уларда соҳада якка ҳокимлар йўқ. Бошқа барча мамлакатларда маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро тармоқларни якка ҳокимлар ишлатадилар.

Баъзи иш олиб борувчилар кабель телевидениеси ёки электралоқа компаниялари тармоқларидан, гарчи улар ҳам давлат назоратида бўлсаларда, фойдаланган ҳолда молиявий (янги тармоқни қуриш жуда қимматга тушади ва қоғозбозлик лицензия олиш бир неча йилларга чўзилиб кетади) тўсиқларини четлаб ўтишга ҳаракат қиладилар.

## МУМКИН БЎЛСАДА, У КИМГА КЕРАК?

Қайд қилинганидек, Ғарбий Европа алоқа бозори янги иш олиб борувчиларга биринчи қарашда жозибали кўринади. Амалда эса кўпгина «анъанавий» иш олиб борувчиларнинг муваффақиятлари кўп жиҳатдан улардан баъзиларининг 80 йиллаб ишлаб келаётганлиги билан изоҳланади. Янгиларга эса даромад олишни ўйламаган ҳолда бозорда ўз ўринларини эгаллаш ва барқарорликка эришиш учун камида 4-5 йил сарфлашга тўғри келади.

A&R маълумотларига қараганда Ғарбий европалик «анъанавий» иш олиб борувчилар 1994 йилни даромад билан якунлаганлари ҳолда, кўпгина янгилар учун аввалги йилдагидек бу йил ҳам муваффақиятсиз йил бўлди. Telwest (Буюк Британия) кўрган зарари оборотнинг 80,7 фоиз, Comvig GSM (Швеция) — 31,2 фоиз, Netcom GSM (Норвегия) —39,2 фоиз, Tele 2 AB (Швеция) —5,7 фоизни ташкил этди. Ўз-ўзидан равшанки, бундай вазиятда фақат энг бой сармоядоргина муқобил лойиҳаларни молиявий таъминлашга жазм қилиши мумкин. Шундай қилиб, янги иш олиб борувчилар учун молиявий тўсиқлар қоғозбозлик тўсиқларига қараганда кўп ҳам кучсиз эмас.

## РАҚОБАТЧИЛАР ҲАР ХИЛ БЎЛАДИ

Ҳарқалай, Европада алоқа соҳасида ҳеч қачон рақобат пайдо бўлмайди деб ўйлаш ножоиздир, у кутилмаган томондан — якка ҳокимлар томонидан пайдо бўлиб қолиши мумкин. Кейинги йилларда халқаро иттифоқлар тузиш ғоялари борлиги маълумку! Биринчи кунданоқ уларнинг бозордаги улушлари анчагина — Atlas —46 фоиз, Unisource —17 фоиз, Concert — 22 фоиз.

Албатта, улар биринчи навбатда кўпчилик бўлиб фойдаланувчиларни назарда тутадилар. Бошқа томондан эса шахсий фойдаланувчилар Ғарбий Европада умумий бозорнинг 80 фоизини ташкил этадилар. Халқаро иттифоқларнинг эртами-кечми буларга эътибор беришларига тўғри келади. Бир неча йилдан кейин бугунги якка ҳокимлар ўзаро рақобатлашадиган ғайритабиий вазият вужудга келиши мумкин.

Тарифларнинг ниҳоятда баландлиги боис бугун бу нарсанинг амалга ошиши жуда қийин. Хусусан бу иттифоқларнинг ягона техника базалари бўлмагани сабабли тармоқларини бирлаштиришга ҳозир катта пул сарфлаётганликлари билан ҳам изоҳланади. Масалан, Atlas тўрт таъминловчининг коммутация жиҳозларини бирга ишлатишга мажбур.

## УЙДИРМА ВА ҲАҚИҚАТ

Марказий ва Шарқий Европадаги алоқа бозорини баъзан: рақамлаштириш ва телефон зичлигининг пастлиги, тармоқларнинг ортиқча ишлатилиши, 10 йиллаб телефонга навбатда туриш, ҳаддан ортиқ қоғозбозлик, якка ҳокимлик, сиёсий барқарорлик бўлмаганлиги учун маблағлар сарфлашдаги катта тавакқалчиликлар билан тасвирланишини эшитишга тўғри келади.

Эҳтимол бу шундайдир. Аммо айнан шунинг ўзини жилла бўлмаганда қоғозбозлик, якка ҳокимлик ва маблағларни сарфлашдаги катта тавакқалчилик бораларида Ғарбий Европа тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Россияда берилаётганчалик лицензия яна қаерда бериляпти? Бу яхшими ёки ёмонми? Вақт кўрсатади.

Европа Кенгашининг вазиятни Ғарбий Европа алоқа бозорини эркинлаштириш томонига ўзгартириш борасидаги уринишларига, Европа Иқтисодий Кенгаши ўз тармоқларида рақобат масалаларини 1998 йилдан кечиктирмай ҳал қилишлари зарурлигига қарамай, икки йилдан кейин Европа алоқа бозори қай даражада эркинлашишини ҳақида бир томонлама жавоб бериш мумкин эмас. Ҳарқалай, деярли барча далиллар эркинлаштириш жараёни узоқ ва қийин бўлишини кўрсатмоқда.

**Хорижий матбуот материаллари асосида тайёрланди**

# С-32 РАҚАМЛИ КОММУТАЦИОН ТИЗИМ

1987 йилнинг охирларида собиқ СССР Алоқа вазирлигининг Марказий илмий-текшириш институти етакчи ва машҳур олими М. У. Полякнинг ташаббуси билан абонент линиясида 32 Кбит/сек тезликда рақамли сигналларни узата оладиган янги С-32 коммутацион тизимини лойиҳалаш ва кейинчалик ишлаб чиқаришга жорий қилишга киришилган эди. Ушбу ташаббус юқори ташкилотларда маъқулланиб, 6-8 йил орасида алоқа тармоқларида ишлатишга тайёрлаш ҳақида қарор қабул қилинди. Марказий алоқа илмий-текшириш институти (Россия), Днепропетровск машиналар қурилиши заводи (Украина), «Днепропетровское» конструкторлик бюроси (Украина) ва Витебск ширфли тажриба-конструкторлик лойиҳасини қабул қилди. 1995 йилнинг бошидан эса Днепропетровск машиналар қурилиши заводи оммавий равишда шу АТСни ишлаб чиқара бошлади.

С-32 рақамли тизимнинг қандай афзалликлар бор? Маълумки, собиқ СССРнинг ҳамма республикаларида энг асосий алоқа тармоғи бу — умумий қўлланиладиган телефон тармоғи (русча — телефонная сеть общего пользования) дир. Бу тармоқнинг ишлатилишида иқтисодий кўрсаткичлар катта аҳамиятга эга. Чунки умумий телефон тармоғи — катта ҳажмга эга тармоқ ва унинг нархи жуда қиммат. Маълумки, шаҳар ва қишлоқ алоқа тармоқлари асосий тармоқнинг 90 фоизи қийматини ташкил қилади, шунинг учун ҳам уни умумий телефон тармоғи учун қўлланилганида ўта самарали иқтисодий ечимлар керак. Янги ишлаб чиқилган С-32 базасидаги интеграл рақамли тармоқ шу иқтисодий қийинчиликдан чиқишга имкон беради.

Ҳозирда ишлатилаётган рақамли АТСлар билан, С-32 асосида ташкил қилинган интеграл рақамли тармоқнинг (ИЦС-32) иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилинганда маълум бўлдики, С-32 АТСнинг битта рақами 170 долар турар экан, лекин бошқа рақамли АТСларнинг битта рақами эса 300 доллар экан, яъни 40 фоиз қиммат.

С-32 тизимда сигналларни коммутациялаш бошқа рақамли АТСлардагидек, аммо рақамли сигналларнинг тезлиги 64 Кбит/сек эмас, балки 32 Кбит/сек. Бу тизимда ИКМ (импульсно кодовая модуляция) услуби ўрнига, тезликни икки баравар камайтириш имконини берувчи АДИКМ (адаптивная дифференциальная импульсно кодовая модуляция) ёки АДМ (адаптивная дельта модуляция) каби услублар ишлатилган.

С-32 коммутацияловчи тизим шу кунларда Украина Республикасининг Запорожье шаҳрида самарали ишлаб турибди.

Шуни айтиш керакки, С-32 тизими собиқ СССРнинг ҳамма вилоятлари, шаҳарлари ва туманларида сифатли ишлаб кетиши эҳтимоллиги анча юқори, чунки тизимни лойиҳалаш даврида аввалги ҳамма шароитлар ҳисобга олинган эди.

**С. СИДДИҚОВ**

*● Алоқа матбуот кўзгусида*

## АВВАЛ ИСМИ ШАРИФ, СЎНГРА МАНЗИЛГОҲ

Яқин фурсат ичида Россиянинг почта хатжилд ва маркалари ўз ташқи кўринишини тубдан ўзгартириб Европа талаблари даражасига яқинлашади. Шундай қилиб хатжилднинг ҳажми катталаштирилиб, унга аввал хат олувчининг исми шарифи, сўнгра унинг манзилгоҳи ёзилади. Хатжилд ва ойнахатларга ҳозиргидек маркалар тикка ҳолда эмас, ётиқ тарзда елимланадиган бўлади. Шунингдек, маркаларда давлат белгилари тасвирланишига катта аҳамият берилади.

## ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ КОНЦЕРТ...

Арманистон пойтахти Ереван шаҳрининг ҳар бир фуқароси физика-математика фанлари номзоди Сурен Сейранянга телефон орқали халқ қўшиқлари, романс, ҳатто классик опера ашулалари ижроси учун буюртма бериши мумкин. Фан номзоди шу заҳотиёқ буюртмани бажара олади. Чунки у ёқимли, лирик овоз соҳибидир. Бундай телефон орқали концерт учун хизмат ҳақи ҳам жуда арзонлиги билан саҳнадаги катта мусиқий дастурлардан фарқ қилади.

## ЎЗИГА ХОС «ИХТИРО»...

Барча ташвишлар Россиянинг Юғуш Артин туманидаги қишлоқларидан бирида яшовчи Н. исмли фуқаронинг хонадонига телефон ўрнатилганидан сўнг бошланди...


Гап шундаки, мазкур телефон қишлоқни ташқи дунё билан боғлайдиган ягона алоқа воситаси эди. Шу боис ҳам қишлоқ аҳолисининг деярли ярми ҳар куни Н. лар уйига ташриф буюришиб, «Тез ёрдам»га, қариндошу дўстларига қўнғироқ қила бошлашди. Хонадон бекаси эса пол ювишдан чарчади. Хуллас бу оила учун ортиқча ноқулайликлар пайдо бўлди.

Бу ташвишлар оила бошлиғининг деҳқончасига «ихтиро» қилишига туртки берди. У хонадон ичидаги телефонга параллел тарзда кўчага ҳам телефон ускунаси ўрнатди.

Натижа эса кутилганидан ҳам «аъло» бўлди. Эндиликда хоҳлаган киши зарур бўлган жойга бепул қўнғироқ қилиши мумкин.

**АБДУҒАНИ тайёрлади**

«Алоқачи ҳамроҳи» — «Спутник связиста» саҳифаларига А. КУДИНОВ, С. СИДДИҚОВ ва Т. ЛУТФУЛЛАЕВЛАР масъулдирлар.



# СПУТНИК СВЯЗИСТА

## УЗПАК — СЕТЬ ПЕРЕДАЧИ ДАННЫХ

В Узбекистане проводятся масштабные работы по развитию республиканской сети передачи данных (ПД) с пакетной коммуникацией, внедрению электронной почты, созданию возможностей для подключения к мировым информационным сетям. Эти задачи возложены на предприятие УзПАК, организованное Министерством связи в сотрудничестве с Турецкой фирмой «Неташ». Оборудование для нового предприятия приобретено у известной северо-американской фирмы «Нортен Телеком». Предприятие действует и набирает темпы расширения зон обслуживания, объемов услуг. К сети ПД подключается все новые абоненты и получают доступ к мировым телекоммуникационным сетям на базе современных технологий и рассчитанных не только на сегодняшний день, но и на далекую перспективу.

Многие предприятия, организации и учреждения, коммерческие структуры приобретают компьютеры, логично полагая, что это принесет большие преимущества в делах. Благодаря этой электронной технике значительно расширяются рамки возможности в управлении, в организации, в выборе тактики и стратегии действий для достижения результатов.

